



O'zbekiston Milliy axborot agentligi
O'zA Ilm-fan bo'limi

Elektron jurnal
2022 yil iyun soni №6 (32)

Toshkent-2022

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎЗА ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ (ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)

**Илмий нашр
2022 йил июнь ойи сони №6 (32)**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Раёсатининг 2019 йил 28 мартдаги 263/7.1 ва 263/7.4-сон қарорига биноан ташкил этилган.

Электрон журналга келган мақолаларга жавоб қайтарилмайди, журналда эълон қилинган мақолалардан олинган парчалар ЎЗА Илм-фан бўлими (электрон журнал)дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Электрон журналга бир ярим ораликдаги материаллар “Microsoft Word” редактори, “Times New Roman” шрифтида электрон версия шаклида қабул қилинади.

Таҳрир кенгаши

А.Кўчимов
А.Асқаров
Д.Ю.Юсупова
А.Х.Саидов
Т.Ў.Арипова
Қ.Р.Аллаев
С.М.Туробжонов
Ш.Т.Қудратхўжа
Н.А.Хусанов

Қ.Ш.Омонов
А.С.Сагдуллаев
С.С.Ғуломов
Ф.Г.Назиров
Р.Д.Курбанов
М.Ҳ.Рустамбоев
Н.М.Махмудов
И.С.Саифназаров
Н.Х.Обломуродов
Г.А.Мардонова

Манзилимиз: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42-уй
Тел: (+99871) 233-09-21; (+99899) 833-62-71

ЎЗБЕК, РУС ВА ИНГЛИЗ ХАЛҚ КУМУЛЯТИВ ЭРТАКЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Севинч Зайниддин қизи ҒАФҒОРОВА

талаба

Алишер Навоий номидаги

ўзбек тили ва адабиёти университети

Тошкент, Ўзбекистон

sevinchluckygirl@gmail.com

Аннотация

Дунё халқлари эртакларининг умумий фондида кумулятив эртаклар алоҳида ўринга эга ва бу намуналар эртакларнинг қадимий қатламига тегишли эканлиги билан ҳам диққатга сазовордир. Бу хил типдаги эртак турлари такрорлар занжири, ижро услуги, композицияси орқали анъананинг халқ ҳаётида бардавомлигини таъминлашда ғоятда аҳамиятли. Қуйида ўзбек, рус ва инглиз халқ эртак намуналари асосида кумулятив тур ва ушбу турнинг халқлараро ўхшашликлари кўриб чиқилади.

Таянч сўзлар: кумуляция, эртак, сюжет, персонаж, такрорлар занжири, шарт мотиви, градация усули

СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ УЗБЕКСКИХ, РУССКИХ И АНГЛИЙСКИХ КУМУЛЯТИВНЫХ СКАЗОК

Севинч Зайниддин қизи ҒАФҒОРОВА

Студент

Университет узбекского языка и

литературы имени Алишера Навои

Ташкент, Узбекистан

sevinchluckygirl@gmail.com

Аннотация

Кумулятивные сказки занимают особое место в общем фонде сказок народов мира, и эти примеры примечательны еще и тем, что относятся к древнему пласту сказок. Эти виды сказок очень важны в обеспечении преемственности традиции в жизни народа через цепь повторов, стиль исполнения, композицию. Ниже приводится совокупный вид, основанный на примерах узбекских, русских и английских народных сказок, а также на международном сходстве этого вида.

Ключевые слова: кумуляция, сказка, сюжет, персонаж, цепь повторений, условный мотив, метод градации.

“Кумуляция” атамаси лотин тилидаги махсус занжирли тарзда ифодаловчи “cumulare” сўзидан олинган бўлиб, тўплаш, турига нисбатан қўлланилади. Кумулятив йиғиш, жамлаш, кучайтириш маъноларини эртакларга нисбатан ўзбек фолклорида билдиради. Фольклоршунослик атамаси “кумулятив”, “занжирли эртаклар”, инглиз сифатида эпос турга мансуб эртакларда ва европа олимлари эса “cumulative tale”, воқеа-ходисаларни такрорга асосланган “accumulative tale”, “formula tale”, “chain

tale” атамаларини қўллашади, рус фолклоршунослигида “цепочная сказка”, “Кумулятивная сказка”, “рекурсивная сказка”, “цепевидная сказка” [9] деб номланишини кузатишимиз мумкин.

Бу хил эртакларнинг сюжет тузилиши характерли бўлиб, бир хил ҳаракат ёки бир хил воқеа, ҳодисаларнинг бир неча бор такроридан ташкил топади. Бунда фақат қаҳрамон борадиган жой ёки тўқнашадиган рақиб номи ўзгаради, холос. Биринчи воқеа иккинчи, учинчи ва тўртинчи марта такрор келган ҳодисаларнинг юзага келишида белгиловчи воситага айланади. Ушбу ҳодиса кумулятив эртакларнинг асосий хусусиятини ёритади. Шу сабабдан ҳам бу хил эртаклар сюжети такрорлар натижасида занжир ҳосил қилинган эртаклар дейилади. Мазкур тип намуналарида шакл, мазмун эътибори билан табиат воқеа ва ҳодисаларининг моҳияти тўғрисидаги ибтидоий тушунчалар (қарашлар) ифодаланади. Конфликт маърифий аҳамияти билан ажралиб туради.

Ўзбек ва инглиз кумулятив эртакларининг қиёсий типологияси бўйича тадқиқот олиб борган О.Холмуродованинг маълумот беришича Европа халқлари болалар фолклорига қизиқиш жараёнида Й.Болте ва Г.Поливка 1915 йил “Ака-ука Гриммларнинг халқ ва болалар эртаклари кузатувлари” китобида юқоридаги типга мос келувчи фолклор намуналарига дуч келган, шунингдек немис тилида сўзлашувчи европа халқларида учровчи ушбу тур эртакларини ўрганишда европа олимлари томонидан “kettenmärchen”, “haufungsmärchen” ёки “zahlgeschichte” номли атамалари ишлатилганини аниқлаган. Рус фолклоршунослигида кумулятив эртак атамаси илк бор Н.П.Андреев томонидан А.Аарне каталогини таржима қилиш давомида қўлланилгани қайд этилган [4;84]. В.Я.Пропп рус халқ эртакларини сеҳрли, новеллистик, кумулятив, ҳайвонлар ҳақида ва ҳаётий каби беш турга бўлган

ва кумулятив эртакларнинг композицион қурилишининг ниҳоятда содда эканлигига диққат қаратган. Уларни уч қисмдан – экспозиция, кумуляция (занжир) ва финалдан ташкил топишини кўрсатган [5;173]. Ўзбек фолклоршунослигида кумулятив эртакларга XX асрнинг сўнгги, асосан, XXI аср бошларидагина эътибор қаратилган бўлиб, бошқа халқлар қатори ўзбек халқ кумулятив эртаклари композициясида ҳам айни кўринишлар кузатилган. Шу кунга қадар ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар қаторида ўрганилиб келинган ушбу тип намуналарига фолклоршунос А.Мусокуловнинг “Уч эчки эртаги ҳақида” мақоласида бирмунча ёндош тушунча бериб ўтилади. Эртак ушбу тур қоидаларига мувофиқ таҳлил этилган, аммо унга нисбатан кумулятив эртак термини қўлланилмаганлиги аниқланган [9].

Кумулятив асарлар алоҳида ритм ва такрорланишга асосланган кичик сюжетга эга ҳикоялардан иборат бўлиб, инсонларнинг хатти-ҳаракатлари, феъл-атвориغا нисбатан панд-насихат, сабоқ ҳайвон образлари орқали гавдалантирилади. Ушбу фикрга монандлик ҳамда структур яқинлик икки – инглиз ва ўзбек кумулятив эртакларида мавжудлиги юқоридаги тадқиқодларда аниқланган бўлиб, бошқа халқларда ҳам бу жиҳатни кузатишимиз мумкин. Хусусан, рус халқ оғзаки ижодида айнан ўхшашликлар борлиги қуйида учала фолклор намуналарини қиёсан таҳлил қилиш асносида асослаб кўрсатилади. Ўзбек халқ эртаги “Қарға билан кўзи” [13], рус халқ эртаги “Томоғига ловия тикилган Хўроз” (Петушок подавился) [14] ва инглиз халқ эртаги “Мушук ва сичқон” (The cat and the mouse) [15] сюжет жиҳатидан бири-бирига ўхшаш кумулятив эртакларга мисол бўла олади.

Фолклоршунос Ж.Шерман “Мифология ва фолклор энциклопедияси” [1;104] асарида кумулятив эртакларнинг зан-

жирли халқасимон шаклига алоҳида тўхталиб, занжир ечилиши, халқа орқага қайтарилиши, ҳар бир такрорланиш орқасидан янги элемент қўшилишидан ҳосил бўладиган эртак сюжети кумулятив эртакларнинг асосини ташкил этишини айтиб ўтган.


Занжирли эртакларнинг экспозиция қисмида воқеага олиб кирувчи сюжет акс этиб, тингловчи эътибори қаратилади. Ушбу қисмда рус ва инглиз халқи қисқалик ва лўнда хабар беришга аҳамият берса, ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарида ранг-баранглик, услубий бўёқдорлик ва такрорланиш устунлиқни касб этади. Уч халқ эртакларида ҳам ўртага ташланган тугун бутун занжирни юзага келтириши кумулятив эртакнинг асосий хусусиятларидан бирини акс эттирган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу турдаги эртаклар шарт мотиви асосига қурилган бўлиб, бир шартнинг иккинчисига боғлиқлиги эртакнинг қизиқарли тус олишига асосий турткилардан бири бўлиб хизмат қилади.

“Қарға ва кўзи” эртагида тугун қарға кўзичоқни емоқчи бўлиши ва кўзичоқ: “Тумшуғинг ҳаром, сувга чайқаб кел!” дейиши орқали бошланса, бу ҳолат “Томоғига ловия тикилган хўроз” эртагида хўроз ва товук биргаликда дон чўқиб

юрганда, тўсатдан хўрознинг томоғига ловия тикилиб қолиши, натижада товук ёрдамга бекасининг олдига боришида кузатилади. “Мушук ва сичқон” эртагида эса мушук ва сичқон Мелт уйида ўйнаб юрганларида мушук сичқоннинг думини тишлаб олади ва сигирдан сут олиб келиши эвазига қайтариб бериш шарти орқали кумуляция бошланиб кетади.


Кумулятив эртаклар композицияси бир-биридан услуб, сўз қатламлар қатори ва ифода этиш жиҳатидан фарқланади. Эртакда янги персонажларнинг пайдо бўлиши, воқеа-ҳодисалар тартиби, кумуляция “градация усули” [16] орқали юзага келади. Ҳаракатлар тўғри ёки тескари тартибда амалга оширилади, бу янги мавзунинг бошланишини, яъни иккинчи ҳодисада ҳолатни сўзма-сўз такрорлаш билан боғлиқлигини кўрсатади. Кумулятив эртак сюжетларидаги кумуляция, такрорийликлар қатори ва сюжет занжирлари кенгайиши эртаклар матнини яратиш тамойилларидан бири бўлиб келади.

Хусусан, “Қарға билан кўзи” эртаги воқеалари қарғанинг оғиз чайиш илинжида сув... кўмир олишгача савол-жавоби тарзда занжирли боғланиб кетади. Бунини қуйидаги занжирлар тасвирида кўриб чиқсак:



Эртактаги ушбу боғланишни Пропп $a+(a+b)+(a+b+c)$ тарзида формулага солган бўлиб, унда ҳаётдаги умумий боғланиш каби бўлиши билан бирга эртактаги композицион яхлитлик ҳам таъминланган.

“Томоғига ловия тикилган хўроз”



Шахсга хос бўлган ўз ирода ва истакларни ифода этиш, юксак ижтимоий ривожланиш даражаси инглиз эртакларидаги персонажларнинг барча турида антропоморфик қобилятни касб

эртагидаги занжирли бирикмани қуйидаги шаклда ифодалашимиз мумкин. Ушбу эртақ ҳам айнаи формулага асосланган бўлиб, бир эҳтиёж юзасидан иккинчиси пайдо бўлади ва кенгайиб боради.

этади. Айнан, “Мушук ва сичқон” эртагида ҳам жонли ва жонсиз персонажлар орқали юзага келадиган ҳодисаларда шахсга оид ҳаракатлар кузатилади.



Сичқон думини қайтариб олиш мақсадида мушукнинг талабини бажариши кумуляцияни бошлаб беради ва бунда асосий қаҳрамонлар мушук ва сичқон бўлиб, қолганлари ёрдамчи персонажлар ҳисобланади.

В.Я.Проппнинг тизимлаш формуласига мувофиқ келувчи уч халқ эртагида ҳам структура жиҳатидан яқин бўлсада, инглиз ва рус эртакларида услубий бўёқдорлик кам учраши, матн ихчамлиги ҳамда воқеаларнинг хабар шаклида етказилиши устун эканлигини кўришимиз мумкин.

Эртақ хусусиятларидан келиб чиққан ҳолатда шуни таъкидлашимиз мумкинки, образларнинг ўз мақсадига етиши, ёмонлик таназзулга учраб, яхшилиқнинг ғалаба қозониши каби қатор ҳолатлар эртақ тугалланмасини ташкил этади. Ушбу жараён “Қарға билан кўзи” эртагида олмосдан ясалган ўроқ қарғанинг қанотлари ва бўйнини кесиб ҳалок бўлиши, натижада

эса кўзичоқ омон қолиши билан яқунланса, “Томоғига ловия тикилган хўроз” эртагида хўроз товукнинг чаққон ҳаракатлари билан вақтида ёғ топиб келиши орқали балодан кутилади. “Мушук ва сичқон”да эса ечим сичқоннинг мушук шартини бажариб, ўз думига қайта эга бўлишида кузатилади.

Инсон борки унинг яшашга бўлган эҳтиёжи ҳам мавжуд. Ҳаёти мобайнида кенгайиб борадиган эҳтиёжлар рўйхати уни турли вазиятларга рўпара қилади. Халқнинг донолиги эса шундаки, бу каби жараёнларни эртақ, матал, шеър, достонлар таркибида занжирли боғланиш тариқасида ифодалаб, келгуси авлод вакилларига маёқ вазифасини ўташини таъминлайди. Юқорида қиёсий таҳлил этилган уч халқ эртаклари замирида ҳам халқ донишмандлигини кўришимиз мумкин. Ўзбек кумулятив эртакларида бошламанинг узунлиги, қизиқарлилиги, шеърӣ парчаларнинг кўп қўлланганлиги

ва услубий бўёкка бойлиги, рус ва инглиз эртакларда ўхшаш сюжетлар кўп бўлиб, халқи намуналари ихчам ва воқеликни уларни қиёсий ўрганиш нафақат ушбу хабар шаклида етказилиши билан бир халқлар оғзаки ижод меросини, балки биридан фарклансада, эртакларнинг жаҳон халқлари фолклор намуналари структураси, шунингдек, маълум эҳтиёж фондида ҳам ўхшашликлар мавжудлиги, ортидан юзага келувчи сюжет бирлиги уларни тадқиқотлар асосида ўрганиш учала халқ ижодида ўхшашликлар барча учун бирдек муҳим эканлигини мавжудлигини намоён қилади. Кумулятив исботлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Имомов К. Ўзбек халқ прозаси. – Тошкент: Фан, 1981. – 103 б.
2. Кретов А.А. Сказки рекурсивной структуры / Труды по русской и славянской филологии. Литературоведение. Т.1 (Новая серия). – Тарту, 1994. – 206 с.
3. Наговицын А.Е., Пономарева В.И. Типология сказки. – Москва: Генезис, 2011. – 336 с.
4. Носов Д. А. Монгольская народная кумулятивная сказка // Монголика – ИХ: Сб. ст. – СПб.: Петербургское Востоковедение, 2010. – С.84-90
5. Пропп В.Я. Русская сказка (Собрание трудов В. Я. Проппа). // Научная редакция, комментарии Ю.С.Рассказова. – Москва: Лабиринт, 2000. – 416 с.
6. Пропп В.Я. Исторические корни волшебной сказки. – Ленинград: ЛГУ, 1986. – 365 с.
7. Пропп В.Я. Фольклор и действительность. – Москва: Наука, 1976. – 249 с.
8. Урусбиева Ф.А. Карачаево-балкарская сказка. Вопросы жанровой типологии. – Владикавказ: НПО СОИГСИ, 2010. – 124 с.
9. Холмуродова О. Ўзбек, инглиз кумулятив эртакларининг қиёсий-типологик тадқиқи: филология фанлари бўйича фалсафа д-ри.(PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – 62 б.
10. English fairy tales / Collected by Joseph Jacobs. Illustrated by John D. Batten – London. 1890. – P. 93.
11. Josepha Sherman Storytelling: an encyclopedia of mythology and folklore. – New York, 2008. – P.104.
12. Taylor A. A Classification of Formula Tales // The Journal of American Folklore. – 1933. – Vol. 46, № 179. – P.78.;
13. <https://ertak.uz/tale/taleuz/658>
14. <https://skazkidlyadetey.ru/russkie-narodnie/petushok-i-bobovoe-zernyshko.html>
15. <https://etc.usf.edu/lit2go/68/fairy-tales-and-other-traditional-stories/4864/the-cat-and-the-mouse/>
16. <https://uz.scienceforming.com/10656142-what-is-gradation>
17. <https://www.indianjournals.com/ijor.aspx?target=ijor:aca&volume=10&issue=5&article=148>
18. <https://www.indianjournals.com/ijor.aspx?target=ijor:aca&volume=11&issue=2&article=067>



МУНДАРИЖА

Иқтисод

Қ.О.ЎРИШЕВ, Ж.И.АБДУВОХИДОВ. Бюджет ташкилотларида бюджет ҳисоби ва молиявий ҳисоботида доир халқаро стандартлардан фойдаланишнинг илмий-назарий асослари.....	3
Б.Э.ЭЛМОНОВ. Инновацион иқтисодиётни шакллантиришда бандликни таъминлашнинг устувор йўналишларини белгилашнинг метадологик асослари ...	10
Э.Н.РАХИМОВ. мустақил изланувчи. Худуд солиқ салоҳиятига таъсир этувчи омиллар таҳлили	20

Юридик

В.Ё.ЭРГАШЕВ, Ж.Т.АЛЛАЁРОВ. Ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги икки томонлама шартномаларда халқаро судловлилик масалалари	29
Х.Х.САЙДИВАЛИЕВА. Оила институтини мустаҳкамлаш ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлашда маҳалладаги хотин-қизлар фаоли фаолиятини самарали ташкил этиш.....	36
К.М.ГАППАРОВ, И.М.САЛИМОВА. Понятие, значение и виды представительства в гражданском процессе	42
Л.З.ТУРДИЕВ. Ишни судга қадар юритишда далилларни тўплаш тушунчаси ва ўзига хослиги.....	48
Ш.М.САИДОВ. Хорижий мамлакатларда прокуратура органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнидаги иштирокининг ўзига хос жиҳатлари.....	53
М.Б.ЖУМАНАЗАРОВА. Қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолат сифатида охириги заруратнинг қонуний мавжуд бўлишида хавф билан боғлиқ шартларга амал қилинишининг аҳамияти	60
А.Ш.ШУКУРОВ. Суғурта низоларини судгача ҳал этиш институтини миллий қонунчиликда жорий этиш масалалари	68

Филология

Т.САБИТОВА, С.ДЖУРАБАЕВА. Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонида аёллар мадҳи	73
Ф.ОЛИМОВ. Навоий маноқиб-ҳолотларида зуллисонайлик ва кўптиллик масалалари	78
Ғ.ШОДМОНОВ. Шермуҳаммад Мунис ғазалларининг нашр вариантлари хусусида	84
Ғ.А.ҚАРШИЕВА. Ҳожи Муин Шукрулло ижодида давр ислоҳатлари талқини.....	91
Ф.БУРХАНОВА, Ш.МУХАМЕДОВ. Ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммаднинг ҳикоялари таҳлиliga доир	98
Н.Ш.АҲМЕДОВА. Ўзбек тилида тўй концепти ва унинг ассоциатив майдони.....	104
А.Х.ТЎРАХОЖАЕВА. Ўзбек тилида ижтимоий-сиёсий лексемаларнинг компонент таҳлили	109
У.Р.ПЎЛАТОВА. Эссе – ёзма юридик нутқни шакллантириш усули сифатида	115
Ш.Т.ЗИЯМУХАМЕДОВА. Тилнинг онг, маданият ва дунёқарашга таъсири.....	120

М.ОМАНОВА. Миллий истиқлол даври романларида бадиий тафаккур ривожи.....	126
В.Т.НАФАСОВА. Жанубий Ўзбекистон гидронимлари тадқиқот объекти сифатида.....	131
Ф.АБДУЖАББАРОВА. Тилшуносликда метафоранинг ўрганилиши масаласи.....	136
М.У.НАМАЗОВА, Г.Ш.АБДИСАМАДОВА. Мактаб она тили таълимида антоним, омоним, синоним сўзлар луғатидан унумли фойдаланиш	143
Ф.Х.АБДУСАГАТОВА. Бевосита мулоқотли эшиттиришларнинг ўзига хос хусусиятлари	152
С.ҒАНИЕВ. Минҳожиддин Мирзо ижодида метафоранинг ўрни	158
Г.В.АБДУЛЛАЕВА. Болалар шеърлятида пейзаж тасвири: издошлик ва ўзига хослик.....	163
Ҳ.Қ.АЛИҚУЛОВА. Ёр-ёр қўшиқларида миллий кийимлар билан боғлиқ тасаввурлар	168
Ш.М.РАҲМОНОВА. “Шайбонийнома” достонида ритмик вариация.....	174
Ш.Б.НУРИДДИНОВ. “Девони Комил”нинг Туркия нусхаси тўғрисида	179
Ш.А.КАРИМОВА. “Махзан ул-асрор” ҳамда “Мажмаъ ул ахбор” дostonлари композициясининг қиёсий таҳлили.....	185
М.АБДУРАХМОНОВА. Рамз генезиси ва унинг тараққиёти.....	189
М.Х.ХАЙТОВА. Жамоатчилик билан алоқалар фаолиятининг \ ижтимоий-психологик асослари.....	194
Ф.С.ШЕРМАТОВА. Ритмико-тонические особенности и поэтика рифмы и реди́фа в газелях Назима Хирати	200
Ш.ИСЛОМОВА. Алишер Навоий китъалари жанрлари олами	208
С.А.ЮСУПОВА. “Бобурнома” асосида хорижда яратилган бадиий асарлар тадқиқи.....	214
И.ХОЛМУРОДОВ. Хўжаназар Ҳувайдо адабий меросининг кўлами ва илмий таснифи	220
Д.Ж.ХУШБАХТОВА. Шеробод дostonчилик мактабининг шаклланиш тарихи ва тараққиёт тамойиллари	225
М.У.УЗОКОВА. Ахборот саводхонлигида юзага келаётган янги муаммолар тадқиқи.....	230
А.А.КАМОЛОВ. Адабиётда табиат ва инсон ўртасидаги ўзаро таъсир муаммолари таҳлиliga доир	241
С.З.ҒАФҒОРОВА. Ўзбек, рус ва инглиз халқ кумулятив эртақларининг қиёсий таҳлили.....	248

Фалсафа

И.А.АСАТУЛЛОЕВ. Ғарб фалсафасида қалб тўғрисидаги фалсафий фикрларнинг ривожланиши	253
---	-----

Тарих

Ё.А.ОРТИҚОВ. “Этномаданий ўзликни англаш (идентиклик)” тушунчаси ва унинг моҳияти (Ўзбекистон дунганлари мисолида)	259
А.Х.РАХМАНКУЛОВА. Мобилизация населения Узбекистана на	